


**1- СЕМЕСТР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР**

## 1- МАВЗУ. ОДАМ БОШИ (ГИПС МОДЕЛЬ СВАЗНЯК)

1-курсадаги вазифалар антик давр юнон ҳайкалтарошлари яратган гипсли бош ҳайкали чизматасвиридан иборат бўлади. Жонли табиатни кузатиш асносида кенг маънодаги умумлашма образ натижаси сифатида вужудга келган ҳайкал бетакрор намуна вазифасини ўтайди. Унда шакллар тузулмасининг асосий қонуниятларини тушунтириш ва ифодалаш осонроқ бўлади. Антик ҳайкалларнинг мутаносиблиги анатомияга яқин.



Гипсдан ишланган антик портрет ўқув нусхалари барча тизим мутаносибликлари шакл жиҳатидан тушунарли эканлиги ва қотган ҳолатда бўлганлигидан талабаларнинг ҳайкаллардаги инсонларга хос шаклларни ўрганишида катта аҳамият касб этади. Шу маънода антик ҳайкалларда одам

танаси ва унинг айрим қисмлари шаклининг геометрик талқини билан танишув тирик инсон образи, юз тузилиши андоза ва унинг қисмларини тушунишига ёрдам беради.



Юқорида таъкидланганидек, гипсда шакли чиқарилган антик портретлар аниқ ўлчамларда ва тинч ҳолатда эканлиги шаклини ниҳоятда аниқ кўриш ва уни бемалол тасвирлаш имконини беради. Бу инсонларни тасвирлашга киришиш олдидан муҳим бир машқ турига киради. Гипсли антик портретларни тасвирлаш ёруғ-соя, ярим соя, ним ёруғ, ёруғ нури ва ялтирашни тасвирлаш ёрдамида катта ҳажмдаги шаклини тус билан тасвирлашга, бу эса тасвирлаш техник воситаларини эгаллашга ёрдам беради. Талабалар эътиборини гипснинг ашёлилик хусусиятини намоён этишга, мустақил тасвирлашга қаратиш ва топширикни маҳорат билан тасвирлашга ўргатиш лозим бўлади.


Чизматасвирга ўрганиш оддийдан мураккабга ўтиш методик жиҳатдан ўринли талаб ҳисобланади. Шунинг учун пастки курсларда одам тузилишини ўрганишда ҳайкаллардан кенг фойдаланилади. Антик гипсли ҳайкаллар аниқ ишланган қисмларини ўрганиш пастки курс талабалари учун услубий қўлланма сифатида қимматли аҳамиятга эгадир. Шакл тузилиши ва уларни бир-бири боғланиши, мураккаб ҳажм қурилиши муносабатларини чизматасвирда ўрганиш талабаларга катта ёрдам беради. Жонли одам бошини чизишда талабада бир қанча мураккаб шакллар тузилмасидан энг муҳимини ажратиб олиш вазифаси туради, гипсли ҳайкалда эса ушбу вазифа ҳайкалтарош томонидан олдиндан ҳал қилинган.

Гипсли ҳайкал бошни устахона шароитида постановкасини деворга яқин жойда ва чирокни юқоридан қиялаштириб ёритиш ҳайкал қисмларини кўришга яхши имкон яратади. Сунъий ёритилишда ҳайкал ёруғ ва соялари, ярим соя, рефлекслар ўзгармайди, бу эса узок муддатли ишлашни осонлаштиради. Табиий ёруғликда ҳайкал кам контрастда, соялар ҳаракатда бўлиб, узок муддат ишлашни қийинлаштиради. Ҳамма тамондан яхши кўриниши учун ўртага ва горизонт чизигидан юқорирокқа жойлаштириш лозим.<sup>1</sup>

Асосий вазифани бажаришдан олдин хомаки чизгилар ишлаш яхши натижа беради.

---

<sup>1</sup> Kevin D. Macpherson “landscape painting Inside & Out” ND1342.M33 2006; 196 p.





## 2-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ (ГИПС МОДЕЛИ) КОНСТРУКТИВ ЕЧИМИ БИЛАН

Одам боши гипс моделини ишлаш жараёни алоҳида босқичлардан иборат: *биринчи босқичда* бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурулиши, ён тамонга эгилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштирилади. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари олинади: жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.<sup>2</sup>



Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб, қисмлари перспектив қисқаради. Буларни гипс моделда синчиклаб

---

<sup>2</sup> Kevin D. Macpherson “landscape painting Inside & Out” ND1342.M33 2006; 145 p.

кузатганимизда биринчи ва орқа пландагиларни чизиклар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса: бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз. Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқориги қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга эгилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз.



Бош гавда билан бўйин орқали гармоник боғланган. Бўйин цилиндр шаклига эга бўлиб, гавда бўйин йўғонлигида чегарасининг иккита параллел чизик чизиб аниқлаш орқали боғланади. Бундан ташқари бош чап ёки ўнгга бурилган бўлса гортан ва бўйин мускуллар ҳолати ҳам шунга яраша ўзгаради.

Талаба иш жараёнида масштабни ўрганиб, кўзни чиниқтиради кўшимча усулларини, қалам ёрдамида тўғри чизикни аниқлайди. Иш жараёнининг бошидан охиригача гипс моделдаги катта ҳажм ўқини, мутаносибликни сезишга кўзни чиниқтиради.



Ишнинг *иккинчи босқичида* бошни чизикли қуришдан кейин шаклларга тус берилади. Тус беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда энгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бир оз хирароқ кўринишда бўлади.

Рангли тошлар (мармар, гранит, бронза)дан ишланган ҳайкал силуэт кўринишда бўлиб блик (ялтироқ жойи) қисми энг оқ кўринади. Биз қанчалик уринмайлик шакл қисмларини оқ гипсдагидек сезмаймиз.

Бошнинг ёритилган қисмида анатомик жиҳатлари аниқроқ кўринади. Шаклдан шаклга ўтиб уларни бир-бири билан боғлашни билиш учун бош суяклари ва мушакларини яхши тасаввур қилмоқ керак.


Антик ҳайкаллардан ишлаш пайтида унинг ёнига анатомик бошни кўйиш (Гудон ёки Донателло ҳайкаллари) яхши натижа беради. Бошнинг суяк ва мускуллари орасидаги боғлиқни билиб олиш учун уларни чизмоқ зарур. Бошнинг қурилмасини чизиб ўрганиш фақат ўқув дарсларида эмас, балки узоқ муддатли чизматасвирда ҳам пластик ва конструктив тузилишини амалда ишлаб бориш зарур.

Бошнинг думалоқ шаклини ва унинг алоҳида қисмларини ишлашда шуниси эса тутиш керакки шакл беришда ортиқча қорайтиришлардан холи бўлиш лозим.

Бошнинг қурилмасида ҳарактер ва ҳаракатни аниқлаб, қисмларини умумлаштириб тугатилади. Чизматасвирда бошнинг қурилишини қайта-қайта текшириб яққол кўриниш шаклини тасвирланади.

Тасвирдаги шаклнинг образини, мукамал гўзаллигини, унинг бадий кимматини бера олиш керак. Шу мақсадда Давиднинг бошини тасвирлаш машқи жуда фойдали. Гипсли бош постановкасини оддийдан мураккаб принципи асосида ишлаш (масалан, олдин Гера, Зевс кейин Геракл ва Леокоон ҳайкали) мақсадга мувофиқ.






### 3-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ (ГИПС МОДЕЛИ) АНАТОМИК ТАҲЛИЛИ БИЛАН

Талабаларнинг маъруза пайтида анатомиядан олаётган назарий билимларини етарли деб бўлмайди. Бу билимларни анатомик кўринишлар тасвиридан амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда дастурга ҳайкалтарош Гудоннинг “анатомик тана” ҳайкали постановкаси қўйилган. Анатомик кўринишлардаги одам тузилишини шу тарздаги ҳайкаллардан ўрганмай туриб, одам танасининг мураккаб шаклий тизимини тушиниб ололмайди ва унга етарли даражада илмий талқин беролмайди. Гудоннинг анатомик тана ҳайкали инсон танасининг мутаносиблиги ва тизими, тана мушаклари, пайлари, деталлари, шакллари билан яхшироқ танишиш имконини беради. Иш жараёнида анатомия фанидан олган билимларни савол-жавоб тарзида текшириб борилади. Шунда танани тасвирлаш жараёни қизиқарлироқ бўлади ва амалий жиҳатдан самара беради.<sup>3</sup>




<sup>3</sup> Н.Г.Ли. “Голова человека. Основы учебно академического рисунка”  
Учебное-издание.-М.:Эксмо, -264 с., ил. 2009й.


Француз ҳайкалтароши Жан Антуан Гудоннинг “анатомик тана” асари инсон танасининг табиий катталиқда яратилган ягона намунаси ҳисобланади ва узоқ йиллардан буён анатомияни ўрганишда кўрғазмали қурол бўлиб келмоқда. Гудон “анатомия”си юраётган инсон қоматининг шакл ва ўлчамларини меъёрдаги талқин асосида тасвирлайди. Шунинг учун бу танани тасвирлаш ва ўрганиш чоғида жонли одамга хос бўлган одатдаги мутаносиблик билан танишиш мумкин. Гудон яратган тана ҳайкалини уч кўринишда бажариш тавсия қилинади.



Бу постановка устида ишлаш чоғида унинг анатомик қисмларининг алоқалари ва муносабатлари, бажариладиган вазифалари ва ҳажмий-қурилмавий хусусиятлари кабиларни тўла тушиниб етган ҳолда тасвирлаши лозим бўлади. Шу постановка юзасидан бажарилган айрим ишлар юқоридаги ёндашувда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Гипс антик портрет машқларидан сўнг инсон бош суягини чизиш, жонли натура бошини турли ракурс ва ҳолатларда ишлашга ўтишда муҳим босқич ҳисобланади. Жонли одам бош нусхалари учун ифодали бўлган, шакл жиҳатдан аниқ мутаносибликдаги одамлар танланади. Шундан сўнг, портрет ўқув топшириқлари янги талаблар – инсоннинг шахсий хусусиятларини ҳам тўлиқ очиб беришга эътибор қаратилади.











Рис. 17 к стр. 36




*Рис. 16 к стр. 36*

## 4-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ ЕЛКА ҚИСМИ БИЛАН

### (АНАТОМИК ВА ШАКЛ КОНУСТРУКЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ БИЛАН)

Талаба 1-курсда бош чизматасвирининг умумий қонуниятлари билан, бош суяги, юз мушаклари ва аъзолари анатомияси билан танишиб олгач, бошни турли тамондан ва ракурсларда тасвирлашни амалий эгаллаб, жонли бошни тасвирлашга киришади. Жонли (натура) бош устида ишлаш босқичлари гипсли бош устида ишлаш босқичлари каби давом этади.



Қоғоз юзасига композицион жойлаш асосида, бошни чизиш бошланади. Бошнинг катталиги, унинг жойлашув ўрнини енгил чизиқлар билан белгилаб олгач, талаба ўлчамлар мутаносиблигини аниқлайди. Сўнгра юз қисмлари тузилишини белгиловчи ёрдамчи чизиқлар ўтказилади. Юз қисмдаги ўрта чизиқда бурун асоси, оғиз чуқурчаси ва жағ кабилар белгиланади. Тўғри чизиқ бошни қайси ҳолатда чизилишини, кўз чуқурчалари устидан ўтказилган чизиқ бошнинг эгилганлик даражасини ва унинг ётиқ горизонтал чизиқда нисбатан ҳолатини белгилайди. Сўнгра

бошнинг барча қисмларини (юз, ён, энгак ва бошқаларини) топиш зарур бўлади ва уларнинг турли эгилганлик ҳолатидаги масофада қисқариши қатъий белгилаб олинади. Бош ҳажмини аниқ кўрсатиш учун, энг аввало, пешона суяги ва унинг дўнгликлари, яъни қош ёйи, кўз чуқурчалари кабиларнинг юзасини диққат билан чиқариш зарур бўлади; сўнгра буруннинг олд ва ён юзаси, бурун парраклари, туртиб чиқиб турадиган яноқ суяклари ва пастки жағ белгиланади.<sup>4</sup>




Юзнинг ҳажми, хусусияти ва мувофиқлигини белгилаб олгач, энгил чизиқлар билан ёруғ-соялар берилади. Сўнгра юз хусусиятини англаб олиш учун турли тамондан тузилмага мослиги аниқланиб ҳар бир қисмга ишлов берилади ҳамда аста шакл ҳосил қилинади. Шундан кейин ёруғ-соя, рефлекслар аниқроқ чиқарилаверади, тус кучайтирилади, ортиқча қисмлар олиб ташланади, уларнинг барчаси тасвирни яхлитликка бўйсундиради.

---

<sup>4</sup> Н.Э.Радлов. “Рисование с натуры” Учебное-издание Л.,Художник. РСФСР 1978й.

Чизматасвир устида ишлаш чоғида талаба эътибори тузилма мутаносиблиги, композицияси ва хислатига қаратилади. Талабани бош тузилмасининг турли ҳолатларини кузатишга ўргатилади ва ҳамisha бошнинг фазодаги ҳолати, бош суяги ва юз мушаги, юзнинг турли ўзгариш пайтида қисмларнинг ўзаро алоқаси, ёруғлик тус ва тус қисмларига пластик ишлов бериш, уларнинг яхлитлиликка бўйсундирилишини ҳамisha эслаб қолиш зарур.



Анатомик чизматасвир топшириқларини фақат бошнинг асосий мушакларини статик ҳолатда ўрганиш билангина чегараланиб бўлмайди. Барча мушакларни ва уларнинг ўзаро бирикуви шакл ва ҳажми, турли ҳаракат ва қисқаришлардаги ўзгаришини чуқур англаш лозим, айниқса имо-ишора билан боғлиқ тамонларига эътибор қаратиш муҳимдир. Мураккаб вазифаларни бажармай туриб, ҳақиқий рассом, психологик портрет ёки теметик сурат устаси бўлиб етишиш қийин.


## 5-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ УЧ КЎРИНИШДАГИ ТАСВИРИ

1-курсда одам бош чизматасвирини ишлашда умумий қонунлар билан танишиб, анатомия бош суягини уч хил кўринишда тасвирлашни амалда бажариб ўрганилади. Юз мушаклари ва қисмларини тирик одам бошида ишлаш босқичлари гипсли ҳайкаллардан чизматасвир ишлаш билан бир хилдир. Бош чизматасвирини ишлашдан олдин уни композициясини қоғоз юзасида ишлаш керак.




Контур чизиқлари ёрдамида бошнинг бурилиш ҳолатларини, бош ўлчамлари нисбатларини аниқланади. Кейин ёрдамчи чизиқлар ўтказиб бош қисми тузилишини белгилаб чиқилади. Ўқ чизиқ ёрдамида бурун асоси, лаб ва жағнинг пастки қисми аниқланади. Профил чизиғи орқали бошнинг бурилиши, эгилиши ва горизонт чизиғига нисбатан ҳолати белгиланади. Ундан кейин бошнинг ҳамма текислиги (юз, яноқ, пешона усти) ва перспектив қисқаришларини аниқлаб, диққат билан пешона дўнглиги, кўз чуқурчаси, бурун олд ва ён текислиги, бурун қанотчалари, яноқ суяклари ва пастки жағ текисликлари аниқланиб жойлаштирилади.

Юзнинг ҳажм, характер ва нисбатларини аниқлаб, енгил штрихлар ёрдамида нур-соя белгиланади. Бошни ҳамма тамонидан кузатиб унинг юз характери ишланади. Ундан кейин нур-соя, рефлексларни аниқлаб туслари кучайтирилади, ортиқча чизиқлар олиб ташланади ва умумий ҳолатга бўйсундирилади. Чизматасвир ишлаш жараёнида талаба диққатини бошнинг нисбат (пропорциялар)га, композиция ва характерга қаратилади. Талаба натурани ҳар хил бурилиши ҳолатида кузатишни, бош текисликларини муҳитдаги ҳолатини, қисмларини ўзаро боғлиқлигини, уйғунлигини, юз мускулларини нур-соя ва тус, қисмларини пластик ечимини, умумий ҳолатга бўйсундиришни билиши керак.



Пластик анатомия фанида калла суякни анатомик, морфологик ёки антропологик фарқли ўлароқ ўрганадилар. Шунга қарамасдан антропологик кузатишлар рассомларга бошнинг шаклини ва юз тузилишини чуқур анализ қилишга имкон яратади.

Бош суяк икки генетик қисмдан: мия (пешона қисми), орқа мия қисми, яноқ ва бошқа суяклар; юз қисмида эса юқори ва пастки жағлар, бурун суяги, яноқ ўсимтаси ва бошқалар ҳисобланади. Бош суягининг юз қисми кичрайиши ва мия қисмининг катталашуви ҳайвондан одам бош суягининг эволюцион ўсиши тенденцияга асосланади.



Одам бош суяги эволюцияси ёшига, жинси ва миллатига бош суяги шаклига қараб конструктив ўзгариши рассомлар олдида кўп қиррали ранг-барангликни ҳосил қилади.

Портрет яратишда бош суягини қуришдан ташқари бир қатор муҳим характерни очиб бериш рассомдан моҳирликни талаб қилади.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Б.Бойметов “Портрет қаламтасвири” Ўқув қўлланма. Т.; 2001й.






Рис. 6 к вып. 32



Рис. 7 к вып. 31




Рис. 4 к стр. 30




Рис. 8 к стр. 32

**2- СЕМЕСТР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР**

## 1-МАВЗУ: ПОРТРЕТ ТАСВИРИ (ПСИХОЛОГИК ЕЧИМИ БИЛАН)

“Портрет” франсузча “портраит” сўзидан олинган бўлиб, кишиларнинг чеҳрасини худди ўзига ўхшатиб тасвирлаш маъносини билдиради. Портретда кишилар яқка, икки киши ёки гуруҳ сифатида тасвирланиши мумкин. Портрет ўз ҳаракати ва характери жиҳатидан монументал, миниатюралли, дастгоҳли, ишқий, ҳажвий бўлади.



Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши психологик портрет деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсонинг анатомик тузилишидан тортиб ички руҳий, маънавий, шунингдек, ташқи кўринишдаги барча жиҳатларини акс эттириш билан саънат даражасидаги асар бўлиши мумкин. Ҳар бир инсонинг ички дунёси гўзалиги, табиат ато

этган андозаси мавжуд. Психологик портретни ишлашда одамларга хос турли ҳаракатларни хис қила билмоқ лозим, айникса одамнинг қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жиҳатларни тасвирлай билиш қобилиятларига эга бўлиш керак.<sup>6</sup>



Психологик портретни ишлашда инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаш талаб этилади. Авваломбор эскизлар қидирилади ва бир неча вариантларда натуранинг ички ва ташқи гўзаллигини очиб беришга ҳаракат қилинади.

---

<sup>6</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth.



Ҳаракат ҳолати образнинг феъл-атворини очиб беришга ёрдам беради. Умумий кўриниш ва ундаги ҳар бир детал, чизги портретнинг аниқ кўринишини ифодалаб беради. Портретда инсон қиёфасининг тасвирини чизиш махсус чегараланмаган. Шунга қарамай психологик портрет инсон қиёфаси аниқлиги ва инсон қиёфаси, ташқи кўриниши ҳақида, шахси ва ўзига хослигини алоҳида кўрсатиб бера олиниши билан аҳамиятлидир. Психологик портретда ритм, динамика ва перспектива аниқ бўлиши керак. Олдинига бир нечта эскизлар ва қоралама наброскалар ишланади. Сўнгра қаламтасвирда асарни яхлит ҳолатга олиб келинади.

## 2-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ (ШАРТЛИ ЁРУҒЛИК, СОЯ ВА РЕФЛЕКС ТАҲЛИЛИ БИЛАН)

“Одам боши” портретини муваффақиятли ишлаш учун қуйидаги босқичлар асосида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

А) бош шакли хусусияти, мутаносиблигини тўғри бериш;

Б) бош шакли қурилмасини тўғри қуриш;

Г) ёруғлик – соя ва нур ёрдамида бош ҳажмини тўғри акс эттириш;

Д) бош моддиюнлигини бериш;

Е) умумлаштириш, умумийликка олиб келиш, ўта ёруғликдан энг тўқ тусга ўтиш.



Бош кўриниши шаклидаги катта – ёруғ-соялар аниқлаб бош кўринишидаги характерли қисмларни ёруғ-соялар умумий ҳолатини белгилаш орқали кўринишини тасвирлаб, шаклини ёруғ-сояларини аниқлаган ҳолда қисмларга нисбатан сояларнинг оч-тўқлигига қараб тонда штрихлар



орқали кўрсатиб кетиш керак. Умумий кўринишга эга бош шаклига қараб, натурага нисбатан солиштирган ҳолда чизмани давом эттирилади.

Яхлит ҳолатда умумий шаклга келтирилган бош кўринишини характерли қисмларини аниқлаштириб бир-бири билан умумлашган ҳолда ҳар бир қисмни, яъни кўз, оғиз, бурун, қулоқ шакллариини ёруғ сояларни кўрсатиш зарур.



Бош кўриниш юз қисмини чизматасвирда кўз тузилишининг характерли ҳолатига жиддий эътибор берилади. Ҳар бир шакл ўз кўринишига эга, кўз, бурун, лаб, қулоқ кўриниши юқори ва пастки жағлари, ияги ва бўйин қисмлари қизиқарли кўринишга мос ҳолда бўлсин. Постановка чизмасини ҳар бир бўлагини узоқ-яқинлигига эътибор берган ҳолда тонига нисбатан умумий кўринишга солиштириб кўрилади. Бош кўринишининг анатомик тузилишига ҳамда натура ўхшашлигига аниқлик киритилади. Инсон бош суяги тузилиши ҳар бир суяк номини шунингдек, бош, бўйин, кўкрак мушакларининг хусусиятларини ҳам яхши билиш керак.

Анатомик тузилиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда конструктив услубида босқичма-босқич кўринишларни методик услубга хос равишда тасвирлаш лозим.

Тўғри жойлаштириш услубида планшетга тортилган оқ қоғозга кўрсатилган қаттиқ юмшоқ рақамли қора қалам билан бошнинг тухумсимон кўринишини бўйин ва кўкрак қисмларга боғланиш шаклини чизмада кўрсатиб бошнинг туриш ҳолатига қараб бошнинг пешона қисмидан икки қош ўртаси, бурун устидан, лаб ва иягигача тўғри чизик ўтказилади. Кейин кўндаланг чизик орқали қошнинг устидан, кўзнинг пастидан бурун ва иякнинг пастигача чизик чизилади. Сўнгра бўлинганларга қараб, кулоқнинг жойлашган ўрни белгиланади. Ёруғ ва соя кесишган жойларни аниқлаб, умумий бош қисмининг шакли кўринишини белгилаб олинади.

Одам бош чизматасвири мураккаб чизма бўлиб, инсон тузилишида бош энг характерли кўринишга эга. Тасаввурни чизиш учун рассом аввал тажрибали мутахассис, чизматасвир методик услубини пухта ўзлаштирган бўлмоғи керак. Одам бошини чизишдан олдин унинг умумий кўринишини, шаклини, ҳолатини, бошдаги характерли қисмини яхши ўрганиб чиқиб яхлит кўринишга эътибор бериш зарур.

Натура ҳолати қизиқарли кўринишда бўлсин. Натура қизиқарсиз тасвирланса пастановка муваффақиятсиз чиқади. Шу сабабли услубиятга асосланиб натуранинг кўринишига қараб, ундаги ёруғ-соялар ҳамда оқ-қора кўринишдаги фарқларни таққослаб, бир-бирига нисбатан фарқланишини хаёлан тасаввурдан ўтказинг, шунда сиз ишлаш услубига эга бўласиз.<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup> Kevin D. Macpherson “landscape painting Inside & Out” ND1342.M33 2006; 198p.

Одам боши чизматасвири пластик анатомия фанида калла суякни анатомик, морфологик ёки антропологик фарқли ўлароқ ўргандилар. Шунга қарамасдан антропологик кузатишлар рассомларга бошнинг шаклини ва юз тузилишини чуқур анализ қилишга имкон яратади. Бош суяк икки генетик қисмдан: мия (пешона қисми), орқа мия қисми, яноқ ва бошқа суяклар; юз қисмида эса юқори ва пастки жағлар, бурун суяги, яноқ ўсимтаси ва бошқалар ҳисобланади. Бош суягининг юз қисми кичрайиши ва мия қисмининг катталашуви ҳайвондан одам бош суягининг эволюцион ўсиши тенденциясига асосланади. Портрет яратишда бош суягини қуришдан ташқари бир қатор муҳим характерни очиб бериш рассомдан моҳирликни талаб қилади.




### 3-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ ЕЛКА ҚИСМИ БИЛАН

Одам боши елка қисми билан чизматасвирини ифодалаш энг мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Чунки кийим ичида турадиган қуёшда қорайиб ранг олмаган одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тасвирлаш, ранг-тусини ўхшатиб ифодалаш анча қийиндир. Одам гавдасини ҳар хил кўринишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон танаси тузилиши, анатомияси, ўзига хос ўрганишни, пластик ечимини топишни тақозо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшми гавдасининг конструктив тузилишини аввало қаламсуратини чизиб ўрганилиши керак. Бунинг учун майда қалам чизмалар бажариш, шакл ва ранг-тус муносабатларини таҳлил қилиб ўрганиш лозим.



Шундан сўнғ энг мақбул, чиройли, кўзга яхши ташланадиган жойдан туриб тасвирни қаламда ишлаш бошланади. Унда гавданинг сатҳда жойлашиши композиция томонлари пухта ўйлаб чизилади. Қаламда ишлаганда катта шаклга ҳам алоҳида зътибор билан қаралиши, мутаносиблик барча нарсада ўз аксини топиши керак. Улар эса гавданинг ҳар бир бўлаги соя ёруғлигида намоён этилади.

Одам гавдаси унинг соя ва ёруғ жойларини яхлит қилиб тус жиҳатидан ишлаб чиқишдан бошланиб, ҳажмни кўрсатишга ёрдам берувчи унсурлар-яримсоя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланаётган бўлса, кийим тепа қисмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил қилиб туриши ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги бадан сезилмайди ва тана пластикаси бузулади.




Бунинг учун аввалдан матоларнинг қандай бурмаланиб туриши, натюрмортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани кўл келади. Илгариги маърузаларда биз одам боши ва юзини қандай ишлаш кераклиги устида тўхталган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз қисмлари бўйин ва бошқа аъзолар билан биргаликда, узвийликда тасвирланади. Шу томонига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки уларни пластик ва қурилиш жиҳатидан боғлаб ифода этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб қиладиган машғулотдир.

Демак, талаба бош чизматасвирининг умумий қонуниятлари билан, бош суяги, юз мушаклари ва аъзолари анатомияси билан танишиб олгач, бошни турли томондан ва ракурсларда тасвирлашни амалий эгаллаб, жонли бошни тасвирлашга киришади. Жонли (натура) бош устида ишлаш босқичлари қоғоз юзасига композицион жойлаш асосида бошни чизишдан бошланади. Бошнинг катталиги, унинг жойлашув ўрнини енгил чизиқлар билан белгилаб олгач, талаба ўлчамлар мутаносиблигини аниқлайди. Сўнгра юз қисмлари тузилишини белгиловчи ёрдамчи чизиқлар ўтказади. Юз қисмдаги ўрта чизиқда бурун асоси, оғиз чуқурчаси ва жағ кабилар белгиланади. Тўғри чизиқ бошни қайси ҳолатда чизилишини, кўз чуқурчалари устидан ўтказилган чизиқ бошнинг эгилганлик даражасини ва уни ётиқ горизонтал чизиқда нисбатан ҳолатини белгилайди. Сўнгра бошнинг барча қисмларини (юз, ён, энгак ва бошқаларини) топиш зарур бўлади ва уларнинг турли эгилганлик ҳолатидаги масофада қисқариши қатъий белгилаб олинади. Бош ҳажмини аниқ кўрсатиш учун, энг аввало, пешона суяги ва унинг дўнгликлари, яъни, қош ёйи, кўз чуқурчалари кабиларнинг юзасини диққат билан чиқариш зарур бўлади. Сўнгра буруннинг олд ва ён юзаси, бурун парраклари, туртиб чиқиб турадиган ёноқ суяклари ва пастки жағ белгиланади.

Юзнинг ҳажми, хусусияти ва мувофиқлигини белгилаб олгач, енгил чизиқ билан ёруғ-соялар берилади. Сўнгра юз хусусиятини англаб олиш учун турли томондан тузилмага мослиги аниқланиб ҳар бир қисмга ишлов берилади ҳамда аста шакл ҳосил қилинади. Шундан кейин ёруғ-соя, рефлекслар аниқроқ чиқарилаверади, ту кучайтирилади, ортиқча қисмлар олиб ташланади, уларнинг барчаси яхлитликка бўйсундиради.


Чизматасвир устида ишлаш чоғида талаба эътибори тузулма мутаносиблиги, композицияси ва хислатига қаратилади. Талабани бош тузилмасининг турли ҳолатларини кузатишга ўргатилади ва ҳамиша бошнинг фазодаги ҳолати, бош суяги ва юз мушаги, юзнинг турли ўзгариш пайтида

қисмларнинг ўзаро алоқаси, ёруғлик тус ва тус қисмларига пластик ишлов бериш, уларнинг яхлитлийликка бўйсундирилишини ҳамisha эслаб қолиш зарур. Мураккаб вазифаларни бажармай туриб, ҳақиқий рассом, психологик портрет ёки тематик сурат устаси бўлиб етишиш қийин.<sup>8</sup>



---

<sup>8</sup> Тошмуродов М.Э. “Чизматасвир”, Ўқув қўлланма. Т. “NOSHIR” 2012.-123 б.



Федотов В.  
р/к. МАНШЕРОВ Г.И.

practicum.org



#### 4-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ МУРАККАБ РАКУРСДА

“Ракурс ҳолатни тасвирлашни ўрганишдан олдин бажариладиган бошни ён тамондан ва ракурс кўринишларда чизиш” топшириқларига “калла суягини турли кўринишларда тасвирлаш” топшириғи муқаддима бўлиши керак. Бу инсон бош тасвирига ўтишда ниҳоятда зарур. “Калла суягини турли кўринишларда” тасвирлаш бош суягининг тузилиш хусусиятлари ва унинг қисмларининг ўзаро алоқаларини ўрганишни назарда тутати.



Ушбу топшириқ калла суягининг турли кўринишларини ўрганишни тақазо этади. Унинг рўпарадан, тўртдан уч қисм кўриниши ва ён тараф ҳолати чизилади. Бу турли бурилиш ва ракурслар ҳамда бошнинг айрим қисмларининг табиатда жисм ва қоматнинг алоқасидан вужудга келувчи фазода юз берадиган қоидаларига бўйсунувчи жараёни ўзаро муносибликни белгилаш кабиларга эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Ракурс – табиатда жисм ва қоматнинг мураккаб ҳолати. Калла суяги чизматасвирининг бажаришга камроқ вақт ажратилади. Чизматасвирни шопмай, шаклнинг фазодаги айниқса ракурсдаги ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий кўриниши, унинг катталиги ва муносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизиқни аниқ

мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғизни ифодаловчи чизиқлар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён тамонга бурилганда ва ракурсда бу чизиқлар орасидаги масофа ўзгаради. Буларнинг барчасини чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодалашга киришиш мумкин.<sup>9</sup>



Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ракурс ҳолатларида шакл бирон қисми юзасининг қисқариши ва бошқасининг катталари қандай рўй беришини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, яноқларнинг қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари, буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталари қандай бўлади. Бош пастга эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга кўра ўзгаради. Суратни қоғоз юзасида жойлаштиришдан бошлаб тугаллашгача жисм ёки қомат тус устидаги ишлар давом этар экан, уни фақат шаклини аниқлаб тузиб олиш учун зарур бўлгандаражадагина олиб борилади. Кўпроқ вақт ажратилган учинчи босқичда тус жиҳатдан бажариладиган

---

<sup>9</sup> Тошмуродов М.Э. “Чизматасвир”, Ўқув қўлланма. Т. “NOSHIR” 2012.-37 б.

ишлар шакли якуний ифодалашга хизмат қилади ва ҳаққоний тасвир ҳосил қилинади.

Симметрия (ўрта чизиқ) – рассомликда инсон юзи тасвирида профил чизиғи деб ҳам аталади. Қалла марказидан ўтувчи чизиққа доимий кўз ташлаб текширадиган ёрдамчи восита сифатида инсон характери аниқлашда аҳамияти катта.



Ўқув топшириқлари, барча босқичларда вақти-вақти билан қалла суягига мурожаат қилиб туриш, бошнинг маълум вазиятидаги ҳолатидан лаҳзалик чизмалар ва хомак нусхалар ишлаб бориш бош тасвирини бажаришда яхши натижалар беради.

Бадиий таълимнинг пастки курсида бажариладиган топшириқлар талабалар олдида кейинги курсларда қўйилладиган мураккаб вазифаларни бажаришларига замин тайёрлаб, тасвирланаётган инсон образи ечимларига ижодкорлик билан ёндашишлари, ҳамда психологик мақсадларни амалга оширишларига катта ёрдам беради.







## 5-МАВЗУ: ХОМАКИ ЧИЗГИЛАР (ҲАФТАДА 2 СОАТ БАЖАРИЛАДИ)

Ҳар бир рассом ижодида хомаки чизгилар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун чизматасвир бўйича дастур узок муддатли постановкаларнинг етакчи аҳамиятини таъкидлаб, шу пайтнинг ўзида хомаки чизгига жиддий эътибор беришни ҳам талаб қилади. Рассом ижодида хомаки чизгининг қўлланилиши турли хилда кўринади. Ўқув хусусиятидаги хомаки чизгидан тортиб юқори бадий аҳамиятга эга бўлган ижодий хомаки чизгиларгача бўлган тасвирлар маълум. Баъзан хомаки чизги олий даражадаги чизматасвир намунаси бўлиб қолиши ҳам мумкин.<sup>10</sup>



Дастур кўрсатмасига биноан хомаки чизги устида ишлаш гуруҳ раҳбари кузатуви остида устахонада ва машғулотлардан бўш пайтда мустақил равишда икки йўналишда олиб борилиши зарур. Талабада кучли кузатувчанлик хислатини, андозани пластик хусусиятини, мутаносиблиги ва ҳаракатини тез илғаб олиш жиҳатини ўстириш, хомаки чизги

<sup>10</sup> Тошмуродов М.Э. “Чизматасвир”, Ўқув қўлланма. Т. “NOSHIR” 2012.-123 б.

машқларининг асосий мақсади ҳисобланади. Устахонада ишланадиган хомаки чизгилар учун ҳам либосли, ҳам либоссиз андозалар хизмат қилиши мумкин. Постановкалар хусусияти статик ва соддадан мураккабгача ўзгариши мумкин. Кучли кузатувчанликни ўстириш учун ҳаракатланувчи андоза киритилади. Кўриш орқали ёдда сақлаш хусусиятини ўстириш учун андоза фақат бир минутдан уч минутгача кўрсатилади.




Хомаки чизгилар учун постановкалар муддати берилган топшириқнинг мураккаблигига қараб белгиланади. Ўн беш минутдан икки соатга қадар бўлиши мумкин. Хомаки чизгини бошлашдан аввал бир неча вақт натурани ўрганиш лозим. Хомаки чизгининг кейинги босқичи ҳаракат, мутаносиблик ва хусусиятни белгилаш билан боғлиқ. Андозанинг турли хислатларини бирданига илғаб олиш учун диққат эътиборни идрок этиш тезлигини, кўз чамалаш ва қўл ҳаракатини кучайтириш талаб этилади. Бу сифатларни талабада хомаки чизги устида доимий ишлаш орқалигина вужудга келтириш мумкин.

Хомаки чизги билинар – билинмас енгил чизиқлар орқали бажарилиши ва фақат ҳаракат ҳамда шакл талаб қилгандагина турли қалинлик ва тус бериб уни кучайтириш лозим бўлади. Кўйилган вазифа ҳал этилгандагина



хомаки чизги тугалланган ҳисобланади. Кўйилган вазифага кўра чизматасвир ашёси танлаб олинади.


Перо, тушь, қалам аниқликни талаб қилади ва ҳар бир чизик учун жавобгарлик хиссини уйғотади. Сангина, кўмир, соус, акварель каби ашёлар рангтасвир соҳасидаги хомаки чизгилар чизишга маъқул. Бундай ҳар бир ашёнинг ўрганилиши лозим бўлган ўз имкониятлари бор. Талаба қоғоз сифатини аниқлашга ўрганиши ва унга тегишли чизгич ашёсини танлаши зарур бўлади.



Агар устахонада бажарилган хомаки чизгилар орқали тез ишлаш маҳорати, қобилияти хосил бўлса, уй шароитида бажарилган хомаки чизгилар билан талабанинг ашёга муносабати, кўра олиш қобилияти вужудга келади, у рассом сифатида шаклланади. Бу сифатлар лаҳзалик тасвирлар учун объект танлашда, уни қалбан идрок этишда кўринади.

Дарсдан ташқари бажарилган барча хомаки чизгиларни доим қўллаш зарур, негаки айнан шу ерда талабанинг келажакдаги ижодий ишлари учун зарур бўладиган ҳаётий кузатишлар заҳираси тўпланади.

Фақат доимий ва узлуксиз машқ қилиш билангина тез хомаки чизги чизиш маҳоратини ўстириш мумкин.





## ГОЛАССАРИ

№	Инглиз	Рус	Ўзбек	Маъноси
1	аплисатион	апликация	апликация	театр туюлига матолар тикиб ёки элимлат? безак тайёрлаш усули.
2	пропертиес	бутафория	Бутафор санъати	сахна учун сўний буюмлар ясаш усули.
3	драперй	драпировка	драпировка	материални букиб йиғиш.
4	инвоисе	фактура	фактура	- безакларга ишлов берганда сунний буртмалар ҳосил қилиш,
5	баскгроунд	фон	фон	сахнанинг орқа томони кўриниши.
6	макеуп	грим	грим	Актёр юзини образ асосида бўяш
7	приминг	грунт	грунт	Безакларга ишлов беришдан олдин суриладиган ёғоч элим аралаштирилган бўтқа.
8	инвенторй	инвентарь	инвентар	спектаклда ишлатиладиган безаклар, буюмлар, жиҳозларни ҳисоб китоб қилиш хужжати.
9	фраме	каркас	каркас	ковурға.
10	ссенес	кулис	кулис	сахнанинг чап ва ўанг томонига илинадиган пардалар
11	мастис	мастика	мастика	ёғли, гипс, бур, қоғоз, пластик қоришмаси.
12	инсталлатион	монтаж	монтаж	спектакл безакларини сахнага қуриш
13	виеш	понорама	понорама	сахнанинг орқа қисмини ярим доира шаклида тўсиб турувчи мато.
14	Фоам руббер	пороалон	пороалон	синтетик юмшоқ хомашё
15	стйрофоам	пенопласт	пенопласт	пўкак.
16	перспестиве	перспектива	перспектива	сахнада безаклами кетма-кет қуриш.
17	таблет	планшет	планшет	ёғоч пол қилинган сахна кўриниши.
18	пластис	пластик	пластик	суний фанер.
19	премиере	премьера	премьера	асами биринчи марта сахнага қўйилиши.
20	прожестион	проекция	проекция	сахна экранида фотохужжатлами намойиш қилувчи аппарат
21	пропс	реквизит	реквизит	сахна анжомлари, кийим, бутафор ва бошқа атрибутлар
22	релиеф	рельеф	рельеф	безакларда ишлатиладиган буртма санъат
23	среам	смета	смета	сахна жиҳозларига кетадиган моддий харажатлар ҳисоб-китоб хужжати.
24	мачине	станок	станок	сахна супаси
25	Стаинед-гласс window	витраж	витраж	ойнага, тетар туюлига босмаҳона бўёқларида безаклар тайёрлаш усули.
26	асрйлате	Акрилат	Акрилат	бўёқламинг замонавий янги тури
27	анилине	Анилин -	Анилин -	сахна безакларига пуркаладиган

				сиёхли бўёсж
28	эксплуатацион	эксплуатация	эксплуатация	- безаклар, реквизитлардан фойдаланиш
29	Стреч фабрис	эластик	эластик	сунъий эгиливчан синтетик хом ашё
30	Воркинг галлерй	Рабочая галерея	Иш галереяси	ишчилар юрадиган осма кўприк.
31	сонструсион	Конструктив	Конструктив	ўзак асосий қисм (ёғоч, темир, қуришмалар
32	инсталляцион	Монтаж	Монтаж	спектакл безакларини сахнага қуриш
33	оверхед	Накладной	Накладной	спектаклга сарфланган харажатлар хужжати
34	плексиглас	Оргстекло	Оргстекло	сунъий синтетик ойна
35	рампа	Пандус	Пандус	қия текислик яратувчи станок тури
36	Шеет мусис	Пар*тигура	Пар*тигура	спектакл давомиди иштироқ этувчи ёруғлик шуълалари мажмуаси
37	павилион	Павилон	Павилон	Павилон - сахнада уй-жой қуришмалари
38	пистол	Пистолет	Пистолет	сахнанинг керакли жойига ёруғлик бравчи электр чирок
39	Ред линие	Красная линия	Қизил чизиқ	томошабин пардаси осиладиган жой
40	репетицион	Репетитсия	Репетитсия	актёрлар машқи.
41	сестион	Сексия	Сексия	- зина қисмлари
42	спотлигхтс	Софит	Софит	- сахна чироклари
43	Супер блиндс	Супер штори	Супер парда	спектакл сахнада кетаётган пайтда осиладиган ижро пардаси.
44	Аудиенсе’’с блиндс	Зрительские штормк	Томошабин пардаси	ангркт пайтида ёпиладиган парда
45	холд	Трюм	Трюм	сахна тагидаги ҳона ёки қуйи сахна
46	тулье	Тюл	Тюл	- сахнага осиладиган шаффоф тўр парда.
47	Винние ресервоир	Винипласт	Винипласт	- театр безакларида ишлатиладиган синтетик хомашё тури.
48	лигхтинг	освещения	Ёритиш галереяси	- ёритиш чироклари ўматилган майдон
49	баск	Задник	Задник	- сахна ортини тўсиб турувчи парда
50	темплате	Шаблон	Шаблон	- андоза
51	поскет	Чўнтак	Чўнтак	- сахнага туташган безаклар турадиган хоналар, чап ва ўнг тамонларда.
52	ассент	Акцент	Акцент	(логинча сўздан. Ассентус - урғу) - Тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқлар ёрдамида урғу беришдир.
53	абстракт	Абстракционизм	Абстракционизм	мавҳум санъат асарларини уз

				ичига олган бадий йўналиш.
54	галлери	Галерея	Галерея	-тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино. Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, пор трет галереяси.
55	тоне	Тон	Тон	(тус, ранг)- (французча-тон- бўёқ бериш)- натурадаги буюм (предмет) ва санъат асаридаги рангга хос ёрқинлик, равшанлик даражаси
56	детайл	Деталь	Деталь	(ф ранцузча - детайл - муфассаллик, мукаммаллик): 1 ) элемент; 2) характерли қисм мукаммаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.
57	аутополиграфия	Автолиграфия	Автолиграфия	рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани
58	сарман	Ватман	Ватман	-рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.
59	опцион	Вариант	Вариант	(лотин сўздан - ўзгарувчан) - санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат ҳаракатига, қўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати.
60	буст	Бюст	Бюст	-одамнинг кўкрагигача тасвирланган қайкали.
61	генре	Жанр`	Жанр	(ф ранцузча - гензе тур) - тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (маиший, тарихий) турларидир.

### Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати

1. Gottfried Bammes The Frtishn`s Guide to Humman Annatomy
2. leonardo collection The fubdamentals of drawing book
3. Endru Lumis Successful Drawing.
4. James Lancel McElhinney Instructors of the Arts Students League of New York James
5. Худайберганов Р.А. “Композитсия”. О’quv qo’llanma. Т.: “Sharq” 2007. – 203 б.
6. Архитектура композиция назарияси”, Ўқув қўлланма. Т.: ТАКИ, 2002. – 203 б.
7. Абдуллаев С. А. “V курслардаги икки жуссали ўқув топшириги”, Ўқув қўлланма. Т.: ТГИИ, 1996. – 75 б.
8. Тошмухамедов М. Чизматасвир. (Олий ўқув юрти 1-2 курс, “рангтасвир” йўналиши учун ўқув қўлланма
9. . Хасанова Н.С. Страницы истории Художественного образования Узбекистана
10. ..Хасанова Н.С. XX аср Узбекистода бадий таълими. Т.:Санъат. 2014